


ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 12 август
шанба
Сотувда эркин нархда
№ 156 (2453)



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 август куни Оқсарой қороргоҳида Япониянинг "Иточу корпорейшн" компанияси бошқаруви раиси Минору Мурофушини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон-Япония муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлар экан, М.Мурофушининг юртимизга ташрифи япон ишбилармонларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши тобора ортаётганидан далолат эканини қўйд этди.

"Иточу корпорейшн" кўп томонлама фаолият юритади. Қарийб бир ярм асрлик тарихга эга бу компанияни "Мерубени", "Мицун", "Мицубиси", "Сумитомо" сингари улкан конгломератларига қиёс

қилиш мумкин. Яқинда "Иточу корпорейшн" ўзининг Марказий Осиё мамлакатлари билан шериклик алоқаларини янада ривожлантиришга қаратилган янги доктринасини ишлаб чиқди. Компания раҳбарининг минтақада юксак иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тутувчи Ўзбекистонда келишидан мақсад ана шу режаларни амалга ошириш имкониятларини бевосита ўрганишдан иборат.

Сўхбат чоғида "Иточу корпорейшн" билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Ҳусусан, ҳамкорликда амалга оширилажак янги қўшма лоиҳалор борасида батафсил фикр алмашилди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти. Мухаммад АМИН олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Х.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Рисбой Хайдарович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Ташкент шаҳри,
2000 йил 11 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ж.Ф.Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Жўра Ганиевич Йўлдошев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Ташкент шаҳри,
2000 йил 11 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш комиссиясининг 11 август куни ўтказилган навбатдаги мажлисида янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мажлисда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги

маърузасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш дастурига мувофиқ тайёрланган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотини ўтказиш йўлида муҳим қадам бўлиб қолади. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасига мазкур қонун лойиҳасига айрим аниқликлар ва қўшимчалар киритишни ҳамда уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамага тақдим этишни тақлиф қилди. Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф. Мухитдинова қатнашди.

Уммонга қўйилгай азим дарёлар

ХОРАЗМ: УЛЛИ ЭВРИЛИШЛАР ҚУЧОҒИДА

Саксондан бир сесканмай сакраб ўтган урганчлик Раҳимберган ота Каримов ҳамгани озига қаратиб, дон-дона қилиб сўзлайди. «Бахт бир келса, кўша-кўша келлади. Юртимиз мустақиллиги туфайли қадимий Хоразмга ҳам бахту саодат ёғилди», дейди у ҳар сафар ёшлар билан учрашганда. Бундан тўққиз йил олдин фахрий дам олишда бўлган Раҳимберган отага ўзгача бир қуч-қувват индию, Урганч шаҳридаги 15-маҳалла кенгаши аъзоси сифатида фаол иш бошлади.

Тўққиз йил аввал Раҳимберган ота чўлиқ (чевара) ҳам кўрган эди. Бу ҳам унга саодатмандлик рамзи бўлиб туюлди. Исмини яхши ният билан, бахтиёр, улуг инсон бўлиб деб, Фаррух қўйди.

Фаррух бугун каттани кичрайтириб қўйгандек йиғичча бўлган. Бувасининг ёнбошида боғдosh (чордона) қуриб, миқ этмай ҳикоят тинглаб ўтирганини бир кўрсангиз эди — бўладиган бала-да, дейсиз.

Раҳимберган ота чўлиқига ота-боболари ҳақида гапиришдан эринмайди. Улар кимлар бўлишгани-ю, биз қандай халққа, юрта мансуб эканлигини содда қилиб тушунтиради. Айниқса, афсонавий донишманд бола Ибн Ҳожиб ҳақидаги ривоятни жуда маънодор қилиб айтади. — Ибн Ҳожиб ўн ёшига кирмасидан Магрибу Машриқ алломалари ундан сабоқ олишар, асарларига фатво сўраб келишар экан...

Фаррух ҳам анойи эмас. Уқиб олиш керак бўлган гапни дарров фаҳмлайди. Қолаверса, ўзи инглиз тилида гаплаша олади. Компьютерни бошқаради. Қадимий дуторга иштиёқманд.



БИРИНЧИ ҲИКОЯТ

Раҳимберган ота оқсоқоллар гурунгида ҳам, наварою чеваралари даврасида ҳам ҳамганининг фикрини ифодалаб шундай сўз айтди: «Президентимиз қадимий Хоразмнинг қаддини тоғдек кутарди. Уни қайтадан дунёга танитди».

Дарҳақиқат, шундай. Ҳар бир хоразмликнинг фикри уйда ҳам шу ҳақиқат нақш этилган.

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда байрам қилинганлиги, Замашарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Оғаҳий, Феруз сингари буюк бобокалонларимиз таваддуларининг қутлуг саналари кенг нишонланганлиги тарихий аждолат қайта тикланганлигининг ифодаси бўлди. Булуғ «Роббил оламнинг Фирдавси» деб таъриф этилган Хивадан тортиб, «Бекйибс калъа, мустахам жой» сифатида танилган Хазорасп тарихларига тилга кирган.

Айни чоғда вилоят ахли муқаддас «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашга ҳам ҳозирлик кўрмоқда.

Қутлуг юбилей муносабати билан Хивада 112 тарихий ёдгорлик қайта таъмирланди. Айниқса, улуг Паҳлавон Махмуд зиёратгоҳини алоҳида тилга олса бўлади. Унинг ағичча жило қасб этган зарҳал қуббалари, мовий гумбалари бутун хал-

қимиз руҳиятининг буюк салобатидан эркин дарақлар бермоқда.

Кейинги йилларда нафакат Ичон қалъа, балки Дешон қалъадаги тарихий ёдгорликни таъмирлаш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилди. Жумладан, Қибла Тозабоб, Отажон тўра, Саид Моҳи Рўйи Жаҳон сингари ҳам 47 та тарихий ёдгорлик ҳам мустақиллик маҳобати туфайли саёҳатчилар ҳайратини ошира бошлади.

Хивада Хоразм Маъмур академияси қайта ташкил этилганлиги бекиёс воқеа бўлди. Бу даргоҳдан бугун илм-фан намояндalarининг, ёш тадқиқотчиларнинг оғи узилмайди. Мазкур йиллик илмий марказда кўпгаб фан докторлари ва номзодлари, илмий ходимлар тарихий бойликларни чуқур ўрганмоқда. Тарихий қўлқўралар.

Шу йилнинг ўтган орти ойида қадимий шаҳарни томиш қилган сайёҳлар сонига 141541 кишига етди. Уларнинг олти мингга яқини хорижий

мехмонлардир. Сайёҳларга фақат «Ичон қалъа» музей кўриқхонасининг ўзида уч миллион сўмликка яқин пуллик хизматлар кўрсатилди.

Хива-Урганч шаҳарларини туташтириб туровчи троллейбус линияси қадимий воҳодага чинакам мўъжизадир. У на-



фақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона. Троллейбус хоразмликлар ҳаётига чуқур сингиб, янги аъналар турғилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бугун келин-куёвларнинг тўйига ҳам троллейбусда келишарди бу янги-иланшлар шарофатини чуқур илганликларини, юрта меҳрлари ортаётганликларидан да-

рак. Хива қадимий деб қанча улуғласа, бугунги Урганч ҳам навқирон дея шунча таърифлашга ариғилди. Ундан ҳам хайратингиз ортиб бораверди. Замонавий Урганч аэропорти энг катта самолётларни ҳам қабул қилиб олишга қодир. Хизмат кўрсатиш маданиятининг ҳам юқорилиги билан ажралаб туради.

Аэропортдан чиқиб озгина юришингиз билан, кўркам боғлар эътиборингизни тортади. Улар халқимизнинг икки улуг фарзанди ал-Хоразмий ҳамда ал-Беруний номлари билан аталади. Боғлар ичида улуг алломалар шарофига муҳташам ёдгорликлар қурилган. Улуг бобокалонларимиз хотирасига бўлган бекиёс ҳурматда рамзий маъно ҳам бор. Зеро, бу муқаддас тупроққа қадам қўяётган, авваллабор, шу юрта, унинг тарихига, буюк алломаларига, бугунги бунёдкор инсонларига эҳтиром баҳо қилмоқ жоиздир. Кейинги йиллар ичида Ур-

ганч шаҳрида, умуман олганда, 100 дан зиёд маданият ва маърифат муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, турли маъмурий бинолар бунёд бўлди. Шу ўринда бугун бутун мамлакатимиз ахли эътиборига тушган Жалолиддин Мангуберди ёдгорлигини алоҳида таъкидлашдан ўтиб бўлмайди. Халқ қаҳрамонининг шу ердаги улкан ҳайкали элу юртимизнинг Ватанга меҳру муҳаббатини, эътиқодини кўларга кўтарайтгандай. Оғаҳий хиёбони ҳам вилоят ахлининг севимли зиёратгоҳларидан бирига айланиб қолган.

Вилоят марказидаги Хотира ва қадрлаш майдони ҳам ўзига хос. Унинг муҳташам аркалари-ю, миллий мезморчилик ускуналари, айвонлари — ҳамма-ҳаммасида улугвор халқимизнинг ўлмас руҳиятидан куч олингандай. Қатор замонавий хизмат ҳамда савдо шохбчалари янги давр дунёга келтирган майдонга рубару турибди. Бу — бизнинг кузатишларимиз эмас. Бу — Раҳимберган отанинг ҳар кун чўлиқига айтиб берадиган гаплари-ю, уни етаклаб олиб кўрсатилган манзараларидан бир лаъза ҳолос. Фаррухобой эса бола-да, баъзан бегоҳат бўлади. Ўз юртидаги бошқа ўзгаришларини билгиси келсади, бобосини тинч қўймайди...

КАРВОНИМИЗ ОЛГА БОСАВЕРАДИ

Шу кунларда халқимизнинг қулгои — радиода, телевидеода, кўзи — газеталар саҳифаларида... Азиз Ватанимизнинг бир бурчида, Сурхон воҳасининг тоғли худудларида, кўз илгасмас ўнғурларда, тоғдаги горларда, чақаласорларнинг қоронғу бағрида «чақирилмаган мехмонлар» — бир гуруҳ куруллик террорчилар суқилиб кириб олиб, ивирисиб юрибди. Шу сабаб, бу тоғли худуд бамисоли мамлакатимизнинг танасида чипқон чиққандай бўлиб турибди. Чипқон, тананинг қаерида бўлмасин, бутун аъзога оғриқ беради. Мамлакатимиз айна кунларда ўзини шундай ҳис этмоқда. Сурхон воҳасидан келаятган ахборотларга мунтазаирлигимизнинг сабаби ҳам шун. Чипқон дардидан халос бўлиш учун — жарроҳлик усулига мурожаат қилиб, у кесиб ташланади, маддалари танадан ситиб чиқарилади. Танани дарддан фориг этишининг ягона йўли шундай. Сурхоннинг тоғли худудларини чипқондан халос этиш учун мамлакатимиз раҳбарияти, харбий қучларимиз томонидан зудлик билан қатъий

намузми, бундай кун узок эмас. Она Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги бизнинг буюк бахтимиздир. Бу бахтдан бизни ҳеч ким бенасиб этолмайди. Лекин ҳали гўр, дунёқараш шаклланмаган ёшларнинг онгини захарлашга уринаятган галамис ақидапарастлар, уларни четдан қўллаб-қувватлаб турган, гоҳида сабри чидамасдан, ўзлари куруллик террорчиликни уюштиришга бораётган қучларнинг мавжудлиги — бизни янада сезгир, онгли, сиёсий ва маънавий ҳушёр бўлишимизни тақозо этади. Мустақиллигимизнинг кучи, навқирон давлатимизнинг мустақамлиги — бизнинг ички мустақамлигимизга ҳам боғлиқ.

Халқимизнинг онги, дунёқарашини, маънавиятини ўтган қисқа даврда таниб бўлмас даражада ўзгарди. Мустақиллик шариоитида яшашнинг ҳадисини тобора чуқурроқ олаёқлик. Фанларнинг кечикди, биз энди бошқа одамлармиз. Президентимиз айтганларидай, «Озолик ҳавосидан тўйиб нафас олган кишини қайтадан қафасга солиш осон иш эмас». Террорчилик, ақиданарастлик иллатлари Истиқлол қаровининг оғи остида гард бўлиб қолади. Бу қаровон муқаррар олға босаверади.

Огоҳлик

М. САФАРОВ.

ЛОҚАЙДЛИК ЖИНОЯТГА ТЕНГ

Алишер Навоий номидаги Маданият саройида пойтахт фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ташкент шаҳар ҳокими К. Тулганов бошқарди. Туман ҳокимлари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, жамоатчилик иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири З. Алматов сўзга чиқиб дунё миқёсида содир этилаётган террористик актларни бизда содир этилиш хавфининг олдини олиш борасидаги вазифаларимизга тўхтади. Хушёрлик, бу Ватани асраш, миллатни асраш эҳтиборини қаратади. Шунингдек, вазир Сурхондарё вилоятининг Сароисий туманида содир этилган террорчилик ҳаракати ҳақида тўхталиб, воқеани рўй-рост айтди. У ердаги мавжуд қишлоқларнинг аҳолисини хавфсиз юйга қўйилган. Аскар, зобитларимиз жангариларнинг асосий тўдасини парчалаб ташлашган. Демак, ваҳима, хавф-хатар, ҳар хил мишмишлар асоссиздир.

(Ўз мухбиримиз).

УЗУН. (ЎзА махсус мухбирлари Муслимон НАМОЗОВ ва Чорн ТУХТАЕВ хабар қилади). Сурхондарё вилояти Сароисий ва Узун туманларининг баланд тоғ дараларида жойлашиб олишга уринган халқаро террорчилар гуруҳларини тутатиш борасидаги операция ақулнолчи босқинча кирди. Жангариларнинг қаршичилиги тўла барҳам берилмоқда. Республикаимизнинг барча харбий тузилмалари вакилларида иборат операция гуруҳ хилват унғурлар, горлар ва куюк арқасорларда яшириниб олган кичик тўдалар ва аққаллар террорчиларини топши ва йўқ қилишга киришди. Террорчилар ўтими мумкин бўлган барча сўжмоқлар ва деворлар назорат постлари орқали ҳамда хаводан мунтазам кузатиб турилди.

Тоғни террорчилардан тозалаш ниҳоясига етмоқда

Сапёрлар террорчилар миналаш-тирган жойларни «ажал уруғи»дан тозалашмоқда. Айни пайтда террорчиларнинг қолган-қутганлари яширинган жойлар ўққа тутилмоқда. Утказилаётган операциялар натижаларини ҳисобга олиб ишонч билан айтиш мумкинки, босқинчиларнинг талофоти қундан қуна ошиб бормоқда. 11 август кунги жангариларнинг катта курул-яроғ ва ўқ-дори амбури аскарларимиз томонидан қолди кўкка совурилди.

Шундай қилиб, харбийларимиз вазиятни тўла назорат қилиб турибди. Қўмондонлик ҳар бир операцияга жиддий тайёргарлик қўриб, усталлик билан иш тутаятгани учун тозалаш тадбирлари давоминда қурбон беришининг олди олинмоқда. Таъкидлаш керакики, тозалаш тадбирларига фақат шартнома асосида хизмат қилаётган аскар ва сержантлар, махсус тайёргарликдан ўтган малакали офицерлар жалб этилган. Уларнинг руҳи тетик, жан-

Саломатлик хизмати ХАВФНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Қозғоғистонда қуйдирги (Сибирь яраси) касаллиги тарқалиб, ховирининг ўзидабқ шу касалга чалинган 152 нафар одам шифохоналарга зудлик билан ётқизилдики, бундай аждоғ ён қўшни давлатлар аҳолисида безовталик туғдирмасдан қолмайди. Эпидемиологлар ўта хавфли деб огоҳлантираётган бу касаллик инфекцияси бизнинг республикаимизда ҳам тарқалмайдими? Кеча Ўзбекистон республикаси Бош вазирини ўтқир Султонов раҳбарлигида бўлиб ўтган Республика Вазирлар Маҳкамаси Эпидемияга қарши курашиш факултода комиссиясининг йиғилишида бундай хатарли вазият муҳокама қилиниб, унинг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар белгиланди. Бироқ бу офат билан кураш фақат шу масалага маъсул шахсларгагина тааллуқли бўлмай, балки, бу, энг аввало, бутун аҳолига, унинг ўз саломатлиги йўлида вақтида қўрадиган эҳтиёт чораларига бевосита боғлиқдир.

(Давоми 3-бетда).



ИККИНЧИ ХИКОЯТ


Мустақиллик йилларида вилоят саноати сезиларли равишда ўсиб-юксалди. Илгари ҳеч ким тасаввур қилмаган йирик ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилди. Хазорасда ҳам минтақамизда ноёб ҳисобланган шакар заводи ишга тушди. Энг замонавий оёқ кийимларини ишлаб чиқишга ихтисослашган «Даритал» қўшма корхонасини билмаган ким бор? Ахир унинг бежирим маҳсулотлари мамлакатимизнинг ҳамма жойига етиб борган. Айниқса, ёзги кийимларига эҳтиёж катта. Эндиликда, қўшма корхонанинг савдо уйлари Итала ва Россияда ҳам очиб режалаштирилмоқда.

«Даритал» ўтган йилнинг ўзида хорижга 170 миң долларлик маҳсулот сотди. Турт ой мобайнида жами 11 миллион 388 миң сўмлик

ХОРАЗМ: УЛЛИ ЭВРИЛИШЛАР ҚУЧОҒИДА

Ўзида мўл бўлган хомашё билан ишлашга ихтисослашган. Биринчи сархил мева шарбатлари хозирланса, яна биринчи тери қайта ишланади. Кейингисидда гигиеник вата ишлаб чиқарилади. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси ҳам харидорбоп.

«Хива сополи» ҳиссадорлик жамиятидаги ўсиш суръатлари ҳам эътиборга лойиқ. Унда 3000 хилдаги маҳсулотлар тайёрланади.



Энг муҳими, корхона бутун хомашё таъминотида ҳеч кимга қарам эмас. 10 тоннадан зиёд бўлш воситалари ҳамда 300 тоннага яқин каолин-сопол ва чинни буюмлар ясашга мос тупрокнинг ҳаммаси қадимий воҳа худудларидан излаб топилди. Ҳатто уларнинг илгари мамлакатимиз ташқарисидан катта чикимлар билан валютага олиб келинган хомашёдан ҳам афзалликлари кўп эканлиги аниқланди.



чиқарилди.

Ерни авайлаб асраш, кўз қорачигидай сақлаш хоразмликлар учун табиий эҳтиёж, қундалик заруриятга айланган. Қолаверса, уруғлик танлашдаги носозликлар барҳам топди. Бир неча йил ичида вилоят кишлоқ ҳўжалигинидаги асосий экинларнинг воҳа шароитига мос энг мақбул уруғликлар танлаб олинди. Бугунги кунда 4 миң тоннадан зиёд бўғдой, 2 миң тонна шולי уруғликлари вилоятнинг ўзида хозирланади. Келгуси йилдан бошлаб лаваги уругини ҳам вилоятда тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Хонқа пахта тўзалаш заводи қарашли уруғлик тайёрлаш корхонасининг ишлари, айниқса, эътиборга лойиқ. Шу жойда хозирланган 3000 тонна юқори сифатли чигит бу йил деҳқонлар мушкулани анча осон қилди. Чигит майдонларда беҳато униб чиқди.

Бу йил республикамизда шартнома режасини биринчи бўлиб уддалаб, Юртбошимизнинг «Умумий ҳолати» оғирлиги олишга мушарраф бўлган вилоят галлакорлари ишлари ҳам бунга бир мисол. Бу ҳўжалиқлардаги барваж фўзалар бўлгуси мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Далаларга ўтган йилдаги қараганда икки марта кўпроқ ишлов берилди. Гектар бошига 20-30 тоннадан маҳаллий ўғит сепилди.

Вилоят деҳқонларининг шולי, қанд лаваги, ширин шакар сабзавот ҳамда мева етиштиришдаги тажрибалари ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда.

Бу йил сув танқислиги вилоят пахтакорларини ҳам катта синовдан, имтиҳондан ўтказди. Деҳқонлар ҳар катра оби ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш учун барча чора-тадбирларни қўришмоқда. Ҳамма қўшма-манбалар ишга солинган. Алқисса, шу ерга келганда Фаррухбой Раҳимберган отанинг ҳўқоятини тўхтади ва гап қўшди:

«Бува, деҳқонларнинг зурёди-да, деҳқон бўлами? — Йўқ, болам, улар олим бўлишди, деҳқончилиқнинг илми соҳиблари бўлишди. Худди сен ният қилгандек, Ўзбекистонимизнинг доверини дунёга ёйданг олим у фузалу бўлишди. Ахир, Хоразмда улар бугун тахсил олаётган мактаб муассасаларнинг илми яхшиликларини ашитмайдиган, болам...

Вилоятдаги иқтисодий нозор тўққиз ҳўжалиқда бу йил мулк шакли ўзгартирилди. Улар ўрнида фермер ҳўжалиқлари ташкил топди. Ярим йиллик яқунлари мазкур ҳўжалиқларда ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланаётганлигидан дарак беради. Бунга Ботғотда Оғажий номли жамоа ҳўжалиги ўрнида ташкил топган деҳқон фермерлар уюш-



оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади. Энди кўйидаги ракамга бир эътибор беринг. Қўшма корхонада шу йилнинг ярмида 131558 миң сўмлик иш бажарилиди.

«Хали бу хамир учидан патир — дейди қўшма корхона раҳбари Қомилжон Холматов. — Келгусида аёллар учун оёқ кийимлари, турли этиқлар ҳам тайёрлаш бошлаймиз».

Хонқада «Мева», Шовотда «Семурғ-Сан-Тек», Ботғотда «Хива» қўшма корхоналари вилоятнинг

Томсон Файнэншл БанкВоч (ТБВ) — жаҳоннинг 95 дан ортик мамлакатидидаги миңдан зиёд молиявий институтлар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишга ихтисослашган энг йирик рейтинг агентликларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг молиявий қўрсаткичларини синчиклаб ўрганиб чиққан Агентлик бу йил ҳам унинг рейтингини тасдиқлади. Мазлумки, ўтган йили Ўзбекистон Миллий банки республикадаги банклар орасида биринчи бўлиб ТБВ рейтингини олган эди. Бу рейтинг хозирги пайтгача МДХ давлатлари банклари орасида энг юқори ҳисобланади.

МИЛЛИЙ БАНК ЮҚОРИ РЕЙТИНГИНИ ТАСДИҚЛАДИ

ТБВ Ўзбекистон Миллий банкнинг қўйидаги рейтингларини белгилади. Миллий валютадаги қўшма муқабил қарз рейтингини — LC-1. Мазкур баҳо бу рейтинг тоифасида энг юқори бўлиб, Ўзбекистон Миллий банки қарзларини ўз вақтида қайтариш бўйича юқори қўрсаткичга эга эканлигини аниқлади. Мамлакат ичидаги эмитент рейтингини — LC-B/C. Бу баҳо Миллий банкнинг яхши молиявий қўрсаткичларга эга эканлигини далил қилади. Агентлик ҳўлосасида Ўзбекистон Миллий банки активлари сифати мустаҳкам, ликвидлиги юқори қарздорларга қаршилик сифатидаги қўрсаткичга эга эканлигини аниқлади. Банк юқори малакали, тажрибали ходимлар ва раҳбарларга, самарали ички бошқарув тўзимисига эга.

Банк Ўзбекистон ҳўкумати агентини экани ва халқаро молия бозорларида мамлакатимиз вакили сифатида фаолият қўрсатишини ҳисобга олсак, мазкур рейтингларнинг аҳамияти янада ортади. Улар Ўзбекистон Миллий банкнинг ишончли ва динамиқ ривожланаётган молия институти сифатидаги нуфузини тасдиқлайди. Мамлакатимиз ҳўкумати бу йил банк тизимини янада

ИСТИҚДОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ ХАРИДОР УЧУН ҲАМ, СОТУВЧИ УЧУН ҲАМ ҚУЛАЙ

Эзги саратон қўеши селига қўйсини кузда ёмғир узиригана қўйсини тўтган деҳқоннинг елкасига оғир теги. Андижон шаҳрида «Жаҳон бозори», иккинчи даража бозори аниқдан қўрилди. Бозорнинг полиз маҳсулотлари сотишга ажратилган қўимда маҳсул

расталар ташкил этилди. Чунинчи, 784 квадрат метр ҳажмида 56 ўринли усти ёлқ қўрилма битказилди. Ундан сал нарида 40 ўринли савдо зали очилди. Ун маҳсулотларини сотишга ихтисослаштирилган йиғирма ўринли яна бир савдо зали ўз эшикларини

Эндигина мактабга қатнаётган ўқувчилар эдиқ. Бир кунги ўқитувчимиз синфга кирди-ю, дабурустандан «Хонқиди дарсида сизлар билан Ватан ҳўқида суҳбатлашамиз», деди. Шунда орқа партадаги бир бола кўл қўтарди.

«Муаллим, Ватан дегани... нима ўзи? — Ҳаммамиз қўлиб юбордик. Ўқитувчи бизга «жим» ишорасини қилди.

«Нега қўласизлар? Қани, Ватан нима эканини ким айтиб беради? — Ҳеч ким чўрқ этмади. Кейин ўқитувчимизнинг ўзи мавзу ҳақида узоқ гапирди. Синф сўз қўйгандек жимжит эди. Биз суҳбатни шўнчалик берилиб тингладикки, ҳатто ўшанда танафўсга қўнғорқ чалинганиним сезмай қолгандик... Қанчами йиллар ўтиб, мен ўша воқеани яна эсладим. Шунда хаёлимдан беригина ўй келди. Наҳот, биз болалар то мактабга борганимизча Ватан сўзини маъносини билмасдик? У вақтда биз чиндан ҳам Ватан тўғрисида ҳис этмасдикми? Йўқ, бундай эмас. Бу тўғрисида аниқ сўз олмадик. Не ажабки, у билмидонлиги, зўққолиги жиҳатидан чинакам маънода барчамизни ота баирага солаётганини раст. Улар гоҳо биз катталарини ҳам сергақликка, хўшёрликка чўрлаётгандек тўюлади. Бир кунги йида болалар телевизор қўриб ўтиришга хонга кирдим. Экранда аллақандай фильм кетарди. Қизикиб кўра бошладим. Автомобилда сайрдан қайтаётган ёшлардан бири ҳазил-хўзўл билан дўстининг ўрнига рулга ўтирди, лекин беҳосдан қатого йўл қўчди-ю, тўбусиз жарга қўлаб тушибди. Машина ва йўловчиларнинг майда-майда булаларга бўлиниб кетганини қўриб, беҳ-

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларнинг биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган мажлисида ўртага ташлаган масалалар, жумладан, текширувларни тақомиллаштириш, улар сонини камайитириш ва назорат органларининг ҳўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик масалалари муҳокама қилинди.

ТЕКШИРУВЛАР САМАРАЛИ БЎЛСИН

Йиғилишда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Ҳўжаевнинг биринчи ярим йилликда назорат органлари томонидан текширишлари мувофиқлаштириш бўйича бажаришга йўл қўйилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Назорат қилувчи органлар ўтказётган текширувларнинг умумий сони қўнқарганига қарамай, улар ҳамон кўп экани кайд этилди. Текширишларда кўпчилик белгиланган тартибга амал қилинмаётган, айбдор шахсларга нисбатан қўнқуликда белгиланган маъмурий жавобгарлик қорали етарлилик қўнқуликларига йўл қўйилган текшириш субъектларини руҳсатсиз текшириш, тадбиркорлик, айниқса кичик ва ўрта бизнес тўзимлари фаолиятига аралашув давом этмоқда. Шу муносабат билан юқорилик хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш учун «Ишон телефонлари» иқтисодий тартибдорлик фаолиятини таъминлаш бўйича қўнқуликларига йўл қўйилган чора-тадбирларни қўришмоқда. Ҳамма қўшма-манбалар ишга солинган. Алқисса, шу ерга келганда Фаррухбой Раҳимберган отанинг ҳўқоятини тўхтади ва гап қўшди:

«Бува, деҳқонларнинг зурёди-да, деҳқон бўлами? — Йўқ, болам, улар олим бўлишди, деҳқончилиқнинг илми соҳиблари бўлишди. Худди сен ният қилгандек, Ўзбекистонимизнинг доверини дунёга ёйданг олим у фузалу бўлишди. Ахир, Хоразмда улар бугун тахсил олаётган мактаб муассасаларнинг илми яхшиликларини ашитмайдиган, болам...

«Имтиҳоннинг натижаси натижасини кўрсатиши мўл бўлади. Назорат қилувчи органлар ўтказётган текширувларнинг умумий сони қўнқарганига қарамай, улар ҳамон кўп экани кайд этилди. Текширишларда кўпчилик белгиланган тартибга амал қилинмаётган, айбдор шахсларга нисбатан қўнқуликда белгиланган маъмурий жавобгарлик қорали етарлилик қўнқуликларига йўл қўйилган текшириш субъектларини руҳсатсиз текшириш, тадбиркорлик, айниқса кичик ва ўрта бизнес тўзимлари фаолиятига аралашув давом этмоқда. Шу муносабат билан юқорилик хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш учун «Ишон телефонлари» иқтисодий тартибдорлик фаолиятини таъминлаш бўйича қўнқуликларига йўл қўйилган чора-тадбирларни қўришмоқда. Ҳамма қўшма-манбалар ишга солинган. Алқисса, шу ерга келганда Фаррухбой Раҳимберган отанинг ҳўқоятини тўхтади ва гап қўшди:

«Бува, деҳқонларнинг зурёди-да, деҳқон бўлами? — Йўқ, болам, улар олим бўлишди, деҳқончилиқнинг илми соҳиблари бўлишди. Худди сен ният қилгандек, Ўзбекистонимизнинг доверини дунёга ёйданг олим у фузалу бўлишди. Ахир, Хоразмда улар бугун тахсил олаётган мактаб муассасаларнинг илми яхшиликларини ашитмайдиган, болам...

«Имтиҳоннинг натижаси натижасини кўрсатиши мўл бўлади. Назорат қилувчи органлар ўтказётган текширувларнинг умумий сони қўнқарганига қарамай, улар ҳамон кўп экани кайд этилди. Текширишларда кўпчилик белгиланган тартибга амал қилинмаётган, айбдор шахсларга нисбатан қўнқуликда белгиланган маъмурий жавобгарлик қорали етарлилик қўнқуликларига йўл қўйилган текшириш субъектларини руҳсатсиз текшириш, тадбиркорлик, айниқса кичик ва ўрта бизнес тўзимлари фаолиятига аралашув давом этмоқда. Шу муносабат билан юқорилик хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш учун «Ишон телефонлари» иқтисодий тартибдорлик фаолиятини таъминлаш бўйича қўнқуликларига йўл қўйилган чора-тадбирларни қўришмоқда. Ҳамма қўшма-манбалар ишга солинган. Алқисса, шу ерга келганда Фаррухбой Раҳимберган отанинг ҳўқоятини тўхтади ва гап қўшди:

«Бува, деҳқонларнинг зурёди-да, деҳқон бўлами? — Йўқ, болам, улар олим бўлишди, деҳқончилиқнинг илми соҳиблари бўлишди. Худди сен ният қилгандек, Ўзбекистонимизнинг доверини дунёга ёйданг олим у фузалу бўлишди. Ахир, Хоразмда улар бугун тахсил олаётган мактаб муассасаларнинг илми яхшиликларини ашитмайдиган, болам...



ОЛТИНДАН ҚИММАН МАСЛАҲАТ

Халқимиз «Қари билганини пари билмас», деб бежиз айтмаган. Бу нақлга амал қилган киши асло кам бўлмайди. Шу боис Олтинчи туманидаги «Пахтакор» ширкат ҳўжалиқ деҳқонлари кекса пахтакорларнинг маслаҳатларига, бид тажрибабериае ташкил қиладилар. Бу йил ўзининг 108 ўшини нишонлаётган Худойберди ота Кежеев ҳўжалиқ деҳқонларининг энг яқин маслаҳатқўриладилар. Яқинда бобо ҳўжалиқининг Тўлғойи Пардаева бошиқ бригадаси далаларига бўлиб, ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олиш шийтеқанда мекхат қиладилар пахтакорларга ўз ўзини, маслаҳатларини бери.

СУРАТДА: Худойберди бобо ҳўжалиқ бошқаруви раиси Нормурод Мелиқулов ва илгор бригада бошлиғи Тўлғойи Пардаева билан. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Ахир болалар бизга қараб қад ростлашди, теварак-атрофта муносабатни ҳам биздан ўрганишди. Эзгулигимиз, сабоқларимиз ва ибратли ўғитларимиз билан болаларимиз қўлиб яқинлашганимиз керак. Бола мана шу ўғитлардан Ватани танийди, уни севиб асрамоқ кераклигини тўшунади. Унинг юрагидаги Ватан тўғрисидаги ҳаётга, борлиқга, дунёга меҳр тўғрисида билан қўришиб бораверади. Сўнг яхлит бир бутунлик айланиб, қамолга етади. Қачонки юракларинида Ватан тўғрисида қамол топсанга биз чинакам қамолот соҳиб бўла оламиз. Шунини унутмайлик.

«Мени ёмон қўришсам майли, бир кунни момом тўғри айтган экан деб эслаб қўришди!» дер эди у. Момомнинг айтишича, дарахт шохини синдирган бола эрта бир кун ҳеч қийналмадан бутун бир табиятни ҳам қўриши мўмкин. Жониворларга билиб-билмай озор берган боланинг қўли шўнга ўрганиди, бераҳм бўлади. Отанасини иззат қилмаган ўғил буй етганида ҳаммага нописанд қарайди. Бу нарсаларга ҳеч ким индамаса, қўриб кўрмасликка олса, охири нима бўлади? Бешафқат, бемехр бола ўз оила-сига, ота-онасига, қишлоғига, Ватанига иснод келтирмайдими, ахир?!

«Ахир болалар бизга қараб қад ростлашди, теварак-атрофта муносабатни ҳам биздан ўрганишди. Эзгулигимиз, сабоқларимиз ва ибратли ўғитларимиз билан болаларимиз қўлиб яқинлашганимиз керак. Бола мана шу ўғитлардан Ватани танийди, уни севиб асрамоқ кераклигини тўшунади. Унинг юрагидаги Ватан тўғрисидаги ҳаётга, борлиқга, дунёга меҳр тўғрисида билан қўришиб бораверади. Сўнг яхлит бир бутунлик айланиб, қамолга етади. Қачонки юракларинида Ватан тўғрисида қамол топсанга биз чинакам қамолот соҳиб бўла оламиз. Шунини унутмайлик.

Гўлчехра ЖАМИЛОВА.

ЮРАГИМИЗДАГИ ВАТАН

«Вой!» деб юбордим. Шунда қизалди «Қўрқам, аяқон, бундан анча йиллар бурун болаларининг хабарини билмадимиз. Энди-чи? Уғил-қизларнингиз турли-туман сўроқ-саволлари олдида гоҳида хўжират ҳам чекасиз. Ахир биз билмаган айрим нарсаларни фарзандларимиз билиши ҳақида ўйлаб қўрган-ми, ҳеч? Ваҳоланки, кўча-кўйда, давраларда тарбия ҳақида кўп гапираримиз. Тарбия нима ўзи? У болага қандай ҳолда берилади? Бизнингча, тарбия — ота ва онанинг ўзи. Уларнинг хатти-ҳаракати, сўзлари, фикрлари, оилада ўзини тутиши... Аждодларимиз тарбияси чинакам шарқона, ҳозирдадан сал фарқ қилди, албатта. Қадимида ўғил боланинг тарбиясига оталар жавобгар бўлсалар, қиз боланинг тарбиясига она ўзини масъул деб билган. Уғилларнинг ўқитма, мард ва жасур, қизларнинг эса малохатли, рўзғорга қўвули ва ширинсўз бўлиши ота-онанинг улар тарбиясига қай даражада ёндашганини ифода этган. Игитдан «Сен кимнинг ўғлисан?»

«Вой!» деб юбордим. Шунда қизалди «Қўрқам, аяқон, бундан анча йиллар бурун болаларининг хабарини билмадимиз. Энди-чи? Уғил-қизларнингиз турли-туман сўроқ-саволлари олдида гоҳида хўжират ҳам чекасиз. Ахир биз билмаган айрим нарсаларни фарзандларимиз билиши ҳақида ўйлаб қўрган-ми, ҳеч? Ваҳоланки, кўча-кўйда, давраларда тарбия ҳақида кўп гапираримиз. Тарбия нима ўзи? У болага қандай ҳолда берилади? Бизнингча, тарбия — ота ва онанинг ўзи. Уларнинг хатти-ҳаракати, сўзлари, фикрлари, оилада ўзини тутиши... Аждодларимиз тарбияси чинакам шарқона, ҳозирдадан сал фарқ қилди, албатта. Қадимида ўғил боланинг тарбиясига оталар жавобгар бўлсалар, қиз боланинг тарбиясига она ўзини масъул деб билган. Уғилларнинг ўқитма, мард ва жасур, қизларнинг эса малохатли, рўзғорга қўвули ва ширинсўз бўлиши ота-онанинг улар тарбиясига қай даражада ёндашганини ифода этган. Игитдан «Сен кимнинг ўғлисан?»



ХОРАЗМ: УЛЛИ ЭВРИЛИШЛАР ҚУЧОҒИДА



ТЎРТИНЧИ ХИКОЯТ

Дарҳақиқат, Раҳимберган отанинг яна бир чувлиги вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан бокс билан шуғулланади. Бир йил ичида унинг ҳам «зарба»ларга қўли анча келишиб қолди. У келгусида хоразмлик машҳур боксчилар Темур Иброҳимов, Алишер Раҳимовлар сингари хорижий элларда ҳам ўзбек йигитига хос мардлик ва жасорат кўрсатишга умид қилди. Мамлакатимиз байроғини баланд кўтармоқчи.



БЕШИНЧИ МУХТАСАР ХИКОЯТ

Тўртинчи хикоят адоқлаганда Фаррухбойнинг киприкларига уйку тўр ташлади. Хоразм ҳам Фаррух сингари осуда тин ола бошлади. Эндиги мухтасаргина хикоят биз-

қўлқоп усталари ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилиги чемпионлари бўлиши. Катя Те, Нилуфар Отажонова сингари гимнастикачилар эса ғолиблар сифидан жой олиши. Шунингдек, мактабдаги ёш курашчиларнинг ҳам машқи баланд.

Тўққиз яшар Ғофуржон Сафаров спорт мактаби пешқадамларининг кенжаси. У спорт мактаби чемпионлигини қўлга киритганлигига хали куп вақт бўлгани йўқ. Ғофуржондан эса устозларининг умиди катта.

«Соғлом авлод йили»да спорт мактаби ёшлари ўз маҳоратларини орттираётганларича бор. Чунки улар шу йил моҳир курувчилар, олийҳиммат хомийлардан илҳомбахш совға олдилар. Мактаб тўла тамирланиб, янги қурилишлар билан

кенгайтирилди. Янги тренажер заллари, дам олиш хоналари қўлайликларни янада оширди.

Агар ўтган йили спорт мактабининг тўртта спорт тури бўйича махсус гуруҳларида 1100 ўқувчи иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони яна икки юзтага ортди. Янги ўқув йили бошланиши билан спорт мактаби юзга яқин ёш катэгорияларини ҳам ўз бағрига олади.

Зоя Қодирова, Омон Қозоқов, Қаҳрамон Абдалов, Марат Курбонов сингари мураббийлар ўз ишининг фидойилари. Бундай устоз мураббийлар рўйхати узундан узун.

Кейинги уч ой, бутун ёзи таътил даври вилоят ўқувчилари учун қизгин спорт беллашувлари мавсуми бўлди. Чунки шу вақтда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг барчасида футбол, кураш, бокс бўйича мусобақалар ўтказилди. Уларнинг ғолиблари кейинги боксчиларда туман ҳамда вилоят биринчилигида катнашдилар.

Спорт мусобақаларига ҳозирлик қўриш олдидан таълим-тарбия муассасалари ихтиёридаги 425 стадион, 328 спорт зали, 514 га яқин майдончалар маҳаллий ҳокимликлар ва хомийлар томонидан таъмирланиб олинди. Уларнинг моддий базаси мустаҳкамлан-

ди. Урганч ёғ-мой комбинати, электр-алоқа бошқармаси, «Аму-Лада» ҳиссдорлик жамияти, автомобиль йўллари бошқармаси ана шундай олийҳиммат хизмат кўрсатишди.

Эндиликда «ҳомий» тушунчаси фақатгина моддий жиҳатдан бақувват корхоналаргагина дахлдор бўлиб қолмапти. Уларнинг сони ҳалол меҳнат қилиб, мол-давлатлари зиёда бўлаётган тадбиркорлару, фермерлар, тижоратчилар ҳисобига ҳам ортиб бормоқда.

Масалан, янгибозорлик ва қўшқўйриқ фермерлар Улуғбек Аҳмонов ва Ҳамид Расуловларни олиб қўрайлик. Уларнинг бири туман ёшларининг бокс бўйича беллашувларида астойдил ёрдам кўрсатди. Иккинчиси, футбол бўйича мусобақаларни ўтказиш харажатларини ўз зиммасига олди. Ҳомийлар ҳиммати билан ғолибларга 300 минг сўмлик қимматбаҳо совғалар ҳадя қилинди. Яна шунча миқдордаги маблағ мактабларга спорт анжумлари сотиб олишга ажратилди. Жамоа хўжаликлари томонидан мактабларга ажратилган маблағ биргина Қўшқўйриқ туманида 3 миллион сўмдан ошди.

Бу йил вилоятда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, узидан яши ном қолдириб



кетган элдошлар хотирасига бағишлаб турнирлар ўтказиш аъянага айланди. Бунда ҳам марҳум оталар ишини муносиб давом эттираётган даста дароз фарзандларнинг беғараз ёрдамлари сезилиб турди.

Футбол бўйича вилоят спорт мактабидан бугун 120 нафар ўқувчи шуғулланади. Уларнинг чарм тўп суришидаги маҳоратларидан янгича ғайрат ва иштиёқни илғаб олиш мумкин. Ахир мамлакат биринчилигида вилоят шарафини юқори кўтариш — муҳим масала. Ана шу масала яқин йиллар ичида ҳал этилса, ажаб эмас.

Табиаат бойлиги

Иштиҳони очди ва ўзинга ёрдам беради.

Умумий ҳолатни яхшилайд.

Жигари спиртли ичимликлар таъсирдан сақлайди.

Юқумли гепатит ва циррози даволашда қўлланади.

Харидорлар учун баҳоси **487 сўм.**

Халқимиз соғлиғи.

ТРИМОЛ

БОШ ОҒРИҒИ, МИГРЕНЬ, НЕВРАЛГИЯ, ТИШ ОҒРИҒИ, ШАМОЛДАН (ЮҚОРИ ХАТОРАТ БИЛАН)

ХАР КУНИ

ДОРИХОНАЛАРДАН СЎРАНГ

Харидорлар учун баҳоси — **225 сўм.**

Табиаат бойлиги

Таркибида женьшень ва табиий мультивитаминлар комплекси бор.

2 капсула Сизни кун мобайнида тетик қилади.

Харидорлар учун баҳоси **861 сўм.**

Халқимиз соғлиғи.

Ўрнатилган ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 2000 йил 24 август, 7,21 сентябр кунлари соат 11.00 да Республика биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. ГАЗ-13 русумли, давлат рақами 10 АС 650, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **850 000 сўм.**
2. ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 10 УЗ 376, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **750 000 сўм.**
3. ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 10 УЗ 370, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **750 000 сўм.**
4. ГАЗ-2402 русумли, давлат рақами 94 66 ТНБ, 1976 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **200 000 сўм.**
5. ЗИЛ-ПМ русумли, давлат рақами 10 АА 931, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **850 000 сўм.**
6. ГАЗ-52 русумли, давлат рақами 10 АА 947, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **750 000 сўм.**
7. ЗИЛ ММЗ-4502 русумли, давлат рақами 10 АА 935, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **950 000 сўм.**
8. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 35 09 ТНМ, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **150 000 сўм.**
9. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 11 30 ТНА, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **120 000 сўм.**
10. ГАЗ-5314 русумли, давлат рақами 60 61 ТНН, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **775 000 сўм.**
11. УАЗ-3303 русумли, давлат рақами 11 90 ТНА, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **120 000 сўм.**
12. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 10 УЗ 059, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **1 200 000 сўм.**
13. ГАЗ-2410 русумли, давлат рақами 10 АА 392, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **700 000 сўм.**
14. ГАЗ-2410 русумли, давлат рақами 10 УЗ 199, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **700 000 сўм.**
15. ГАЗ-2410 русумли, давлат рақами 10 УЗ 073, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **700 000 сўм.**
16. ГАЗ-2410 русумли, давлат рақами 10 АА 386, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **700 000 сўм.**
17. ГАЗ-2411 русумли, давлат рақами 10 УЗ 177, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **700 000 сўм.**
18. УАЗ-3741-01 русумли, давлат рақами 10 АИ 105, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **150 000 сўм.**
19. ЛАБО русумли, давлат рақами 00 05 ТНЗ, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. Бошланғич баҳоси **150 000 сўм.**

Маъмур автотранспорт воситаларига қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, ҳуқуқий ва jisмоний шахслар, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10 бино. Республика биржалар маркази биноси, республика Кўчмас мулк биржаси, 3-қават, 10-хона. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, Ички: 153 Факс: 136-06-17.

Ўзбекистон Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти жамоаси профессор О. Умаровга Мирҳамид УМАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

СОҒИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ВА ОМОНАТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА

"Асака" банки

қайта кўриб чиқилиб, оширилган фойз устамали депозит омонатларини таклиф қилади:

Омонат тури	2000 йил 1 июлдан фойз устамалари	Бекор қилинган фойз устамалари
«ОРЗУ»: 3 ойдан кам бўлмаган муддат билан	ойига 2,7%	ойига 2,5%
Муддатли: 6 ойдан 1 йилгача	йилига 35%	йилига 30%
1 йилдан 3 йилгача	йилига 42%	йилига 35%
Пластик карточкалар	ойига 3% (фойзалар ҳар ойда ҳисобланиб, қолдиқларга қўшиб борилади)	ойига 2,8%

Ўз омонатларингизни тез ва истаган вақтингизда олишингиз мумкин.



700015, Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67.
Тел.: (371) 120-83-91, 120-83-92, 120-83-82.
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙШЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-вазирларлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳих — Ш. МАНРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21,00
топириш вақти — 21,30
1 2 3 4 5 6